

Мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот ва корхоналарга ичимлик сувини етказиб бериш ва
оқава сувларини қабул қилиш хизматлари бўйича

ШАРТНОМА № 1906

Олот тумани

“ 12 ” Инвар 2022 йил.

Бухоро вилоят “Сув таъминоти” МЧЖ Олот туман филиал, кейинги ўринларда “Сув таъминот” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ф.Курбонов номидан, бир томондан ва Шоҳноза Абдулқадирова (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда “Истемолчи” деб юритилади, Ўзининг низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи У.Исмаилов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Сув таъминот» «Мижоз»га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади, «Мижоз» уз урнида амалда қулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари бўйича «Сув таъминот»га хизмат туловларини уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади

1.2. Мижоз томонидан оқава тармогида ташланган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф қилинган сув микдорига тенг қилиб қабул қилинади

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул қилиш бўйича томонларнинг ҳуқуқларига мажбуриятлари амалдаги «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва оқава сувларни узатиш тизимларидан фойдаланиш қоидаларига (матн давомида «Қоидалар») ва ушбу соҳадаги Уз.Р.нинг бошқа меъерий ҳужжатлари асосида аниқланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Сув таъминот»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Мижоз»ни шаҳар сув ва оқава сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билаи таъминлайди ва оқава сувларини узатади. Коммунал тармогидан фойдаганиш чегараси «Мижоз»нинг шаҳар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

2.1.2. «Мижоз»нинг тармоққа уланган жойигача булган ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгиланиш ҳамда ҳалокатларни барча сув оқувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар сув ва оқава сув тармоғида таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни олиб борилаётган ҳолларда ҳамда тулов ҳужжатларни туланмаган ва ушбу Шартноманинг шартлари «Мижоз» томонидан бажарилмаган ҳолларда «Мижоз»ни олдиндан огоҳлантириб, ичимлик сувни бериш ва оқава сувни қабул қилишни тухтатади.

2.1.4. Қуйидаги ҳолларда «Мижоз»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва оқава сувларни узатиш тула ёки қисман тухтатади:

- «Сув таъминот» корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоғида кучли ҳалокатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланиб олганда;

2.1.5. Шартномада илова қилинган «Мижоз»нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойихасига асослаиб «Мижоз»нинг ички сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради ва уларнинг тугри техник фойдаланиш ва сақланиш шартларини амал қилинишини талаб қилади.

2.1.6. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичларини ва уларнинг муҳрларнинг сақланишини ва бутунлигини кузатиб боради.

2.1.7. Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тулов ҳужжатларини тақдим этади.

2.1.8. «Мижоз»га ичимлик сувнинг ва оқава сувларни қабул қилиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

2.1.9. «Мижоз»га амал қилиш учун курсатмаларни ва «Мижоз»нинг вакили билан тасдиқланиши зарур булган далолатномаларни тақдим этади. «Мижоз» юқорида айтилган ҳужжатларга қул қуйишдан бош тортса у ҳолларда тушунмовчилик баенномаси тузилади ва у Хужалик судига қуриб чиқиш учун белгиланган тартибда топширилади.

2.1.10. Бюджет ташкилотларни бир йил давомида молиялаштирилган лимитлари билан белгиланган 59 м куб микдорда ичимлик суви етказиб беради, ҳамда 0 м куб микдорида оқава сувларини қабул қилади.

2.2. «Мижоз»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Хар ойнинг 20-25 чи саналари ичида ҳисобот «Илова 1» тақдим этади ва «Сув таъминот»нинг ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида хар 1 метр куб ичимлик суви учун 4420 Сум 0_тийин ва 1 метр куб оқава сувларни қабул қилиш учун 0сум_0тийин ва ушбу шартнома бўйича бошқа туловларни уз вақтида тулаб боради.

2.2.2. Узига тегишли сув қувурлари оқава сувларини узатиш тармоғининг ва иншоотларнинг техник ҳолатини ва фойдаланишини керакли равишда назорат қилади ва уз ҳудудида ичимлик сувининг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф қилиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.3. Шаҳар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Сув таъминот»дан белгиланган нарҳда Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш еки оқава сувларни узатиш тармоғининг лойихасини ва узига тегишли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашини тақдим этади.